



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ҳамроева Дилафрӯз Шукуровна

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт
институти, Ўзбекистон

УМУМИЙ ЮРАК НУҚСОНИГА ЭГА БОЛАЛАРДА ПАРОДОНТ
ТҮКИМАЛАРИНИНГ ХОЛАТИНИ БАХОЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Резюме: Тишлар кариеси, пародонтнинг юмшоқ тўқималаридаги касалликларни комплекс даволаш ва профилактика қилишнинг баҳоси берилган ва умумий юрак нуқсонига эга бўлган болаларда асосий касалликни даволаш фонида ишлаб чиқилган стоматологик даво-профилактик тадбирларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Умумий юрак нуқсонига эга болаларнинг оғиз бўшлигини парваришилашда электр тиш чўткасидан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги клиник, клиникфункционал ва цитологик усуллар билан тасдиқланган.

Калит сўзлар: умумий юрак нуқсони, пародонт, “эмалнинг ўчоқли деминерализацияси”.

Долзарбилиги. Асосий клиник-лаборатор тадқикот усулларидан ташкири умумий юрак нуқсони касаллиги бўлган 115 нафар болада кариес тарқалиши, интенсивлиги ва жадаллашуви ўрганилди. Бу болаларда, шунингдек оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати, шунингдек бемор болалар ва уларнинг ота-оналари, ўқитувчиларнинг оғиз бўшлиғида гигиенага тўғри риоя қилиш усули бўйича билимлари аниқланди. Бажарилган катта тайёрлов ишлари ва мос келувчи ташкилий тадбирлар минимал муддатларда стоматологик кўрикларни аниқ ўтказиш имконияти билан таъминлади. Болаларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг текшируви умумий қабул қилинган клиник усуллар бўйича ўтказилди. Болаларнинг оғиз бўшлиғида мавжуд тишларнинг ҳолати юқори жағдан бошлаб ўнгдан чапга, кейин пастки жағда чапдан ўнгга ўрганилди.

Тишларнинг қўйидаги ҳолати эътиборга олинди: кариес йўқлиги, интакт тишлар, кариес ва унинг асоратлари.

Кариес ташхиси анамнез, клиник кўрув, зондлаш, перкуссия асосида ўтказилди. Эмалнинг ўчоқли деминерализацияси, кариеснинг бошланғич шаклининг ташхиси учун қўшимча усуулардан доғларнинг Л.А.Аксамит усули бўйича 2% метилен кўк сув аралашмаси билан бўяш қўлланилди. “Эмалнинг ўчоқли деминерализацияси” термини билан биз кариеснинг бошланғич кўриниши – оқ доғ босқичидаги кариесни белгилаймиз. Бунга тишлар эмалининг кўринадиган юзасида якка ва кўплаб доғлар киритилди. Ранги бўйича, одатда, аниқ ифодаланган оқ гомоген доғлар ва бўрсимон қисмлар соғлом эмал билан бирлашган турли шакли доғлар ажратилди. Доғларнинг ўлчамлари нукта ўлчамидан тиш юзасининг 1/3 қисмини эгалловчи ўлчамларгача бўлди. Юза таснифи бўйича силлик ёрқин юзали ва нотекис бўрсимон, хира юзали доғлар ажратилди. Қатор ҳолатларда ўчоқли деминерализация қисмида эмал зичлигининг камайиши аниқланди, эмал экскаватор билан осон кирилувчан эканлиги белгиланди. Эмалнинг ўчоқли деминерализациясига тегишли барча доғлар метилен кўкнинг 2% сув аралашмаси билан бўялди. Текширув стоматологик ускуналар тўплами ёрдамида ўтказилди. Доғ бор йўқлиги 2% метилен кўк ёрдамида аниқланди. Бўяш учун тишларни карашдан тиш пастаси ва чўтка билан тозалагандан сўнг метилен кўкнинг 2% сув аралашмасидан фойдаланилди. Кейин тишларни карашни яхши тозалайдиган водород пероксиди билан намланган пахта ёрдамида ювилди ва тиш юзасини марли салфеткаси ёки иссиқ ҳаво оқими билан қуритилди. Тишлар сўлакдан пахта тампонлари ёрдамида ҳимояланди. Тишларнинг ўрганиладиган юзаларига пипетка билан 2-3 дакика бўёқ аралашмаси сурилди. Кейин тампон билан тозаланиб, оғиз сув билан чайилди. Кариес тишлар ва пломбалар, олинган тишлар сони, тиш формуласи аниқланди. Тишлар кариесининг ташхиси анамнез, визуал тадқиқот, зондлаш ва перкуссия асосида ўтказилди. Шунингдек текширишнинг қўшимча усууларидан фойдаланилди: термометрик, ГИ ва РМА индексларини аниқлаш.

Тишларнинг кариес билан шикастланиши пломбалangan ва олинган тишларнинг кариоз бўшлиғи мавжудлигига ташхис қилинди – КПУ/кп. Кариес тишларнинг қаттиқ тўқималарини шикастланиш чукурлигини ҳисобга олиб кариоз бўшлиқ ривожланишининг аниқланган клиник аломатлари асосида ташхис қилинди. Болаларнинг стоматологик кўригига кариес билан заарланишнинг кўйидаги асосий кўрсаткичлари кўзда тутилди: интенсивлик ва интенсивликнинг ўсиши – ЖССТ номенкла- турасига биноан. Интенсивлик деганда бир кишида (индекс КПУ/кп) заарланган тишларнинг ўртacha сони кўринишида ифодаланган, тишларнинг кариес билан шикастланиш даражаси тушунилади (кариес – К.к; пломбалangan – П.п; олинган (О) ёки олиниши лозим бўлган – О.о;) Доимий тишловда КПУз (тишлар) индекси ҳисобланди. Текширилган шахсларнинг барча гурухлари учун КПУ/кп ўтказилган кўриклар асосида КПУ/кп нинг ташкилий элементлари бўйича унинг кўрсаткичларини баҳолаш усулидан фойдаланилди. КПУ/кп индексининг ташкилий элементларини ўрганиш тишларнинг ҳақиқий ҳолати ва стоматологик ёрдамни ташкиллаштириш даражаси тўғрисида аниқ ва ахборотли маълумотлар беради. Кариес интенсивлигининг ўсиши маълум кузатилган муддат ичida (1 йил ичida) кўрикдан ўтказилган бир кишининг тишларида кариес билан янги заарланишлар ҳосил бўлиши интенсивлиги бўйича баҳоланди. Бу кўрсаткич абсолют катталикларда ҳисобланди ва “Умумий юрак нуқсонига эга болаларни индивидуал стоматологик текшириш картаси”га киритилди. Кариес интенсивлигининг характеристикиси нафақат кариоз тишларнинг сони, балки кариес билан заарланган юзаларнинг сони асосида тўлиқ аниқланар экан, биз барча текширилувчиларда динамикада КПУп (юзалар) индексни ўргандик. Бу кўрсаткич бўйича кариес интенсивлигининг ўсиши ҳар йили аниқланди.

Оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолашнинг энг оддий мезони тиш караши билан қопланган тишлар юзасини рақамларда ҳисоблаш ҳисобланади. Бунинг учун биз Грин-Вермилон усулидан фойдаландик. G.Green ва Wermillon I.R. (1964) оғиз бўшлиғининг гигиенасини OHI-S (Oral Hygiene Indices-Simplified) соддалаштирилган индексини таклиф қилишди. OHI-S ни аниқлаш учун қуйидаги тишларнинг юзалари ўрганилади: юз ва тил юзалари 6|6 6|6 ва

лаб юзаси 1|1. Барча юзаларда олдин тиш караши аниқланади. Тишларнинг юзасида караш микдори қуйидаги тарзда аниқланади: йодга эга аралашма билан олтита доимий тиш юзаси бўялади – юқори марказий кесувчи тишларнинг лаб юзаси, юқоридан биринчи доимий катта моляр тишларнинг вестибуляр юзаси, пастки биринчи доимий катта моляр тишларнинг тил юзаси. Тиш карашини аниқлашнинг қуйидаги тизимидан фойдаланилади: 0 – тиш караши йўқ (бўялмайди); 1 – тиш караши тиш юзасининг 1/3 дан кам қисмини қоплайди; 2 – тиш караши тиш юзасининг 1/3 дан ортиқ, лекин 2/3 дан кам қисмини қоплайди; 3 – тиш караши тиш юзасининг 2/3 дан ортиқ қисмини қоплайди. Ҳар бир тишда баллар микдори умумий суммага қўшилади ва олтига бўлинади (тишлар сони). Тишларнинг юзаларида аниқланган караш микдори бўйича оғиз бўшлиғида гигиена ҳолатининг уч даражасини ажратиш мумкин: яхши, қониқарли ва ёмон. Бўялган караш алоҳида тишларнинг бўйин қисмida аниқланадиган ҳолатни яхши деб баҳолаш мумкин (0-1 балл). Қониқарли ҳолат – караш тиш тожининг 1/3 қисмигача қоплайди ва алоҳида тишларнинг 1/3 қисмидан бироз ортиқ қисмини (1-2 балл). Ёмон – караш тожининг деярли бутун юзасини қоплайди, яъни барча текширилаётган тишларда 2/3 дан ортиқ қисми (2-3 балл). Бу индекс аралаш тишлов даврида болаларнинг оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати ҳакида хуносага келиш имконини беради. Биринчи доимий тишлар бўлмаганида, оғиз бўшлиғининг гигиена ҳолатини баҳолаш учун биз Федоров-Володкина индексидан фойдаландик. Федоров Ю.А. ва Володкина В.В. (1971) томонидан таклиф қилинган индекс олтита фронтал тишларнинг лаб юзасини йодли аралашма (йод-калий аралашмаси) билан бўяш йўли билан аниқланади. Микдорли баҳоси беш балли тизимда аниқланади: Тиш тожининг бутун юзасининг бўялиши – 5 балл Тиш тожининг $\frac{3}{4}$ юзасининг бўялиши – 4 балл Тиш тожининг $\frac{1}{2}$ юзасининг бўялиши – 3 балл Тиш тожининг $\frac{1}{4}$ юзасининг бўялиши – 2 балл Бўялмаслиги – 1 балл.

$$Кср = \frac{\sum K_n}{n}$$

Бу ерда Кср умумий гигиена индекси, K_n – бир тиш учун тозалик гигиена индекси, n – ўрганилаётган тишлар сони (нормада ГИ 1 дан ортмаслиги лозим). PLI (Sylnex, Loe H., 1964) караш индекси тадқиқотчининг хоҳишига қараб барча тишлар ёки уларнинг бир нечтасини текшириш имконини беради. Бўямасдан, визуал ёки зонд ёрдамида тишнинг тўрт юзасида (вестибуляр, орал, дистал ва медиал) тишнинг юмшоқ карашлари ўрганилади. Тиш юзасида караш микдори қуйидаги шкала бўйича баҳоланади: 0 балл – милк ости соҳасида караш йўқ; 1 балл – милк усти соҳасида ингичка караш қатлами, фақат зонд билан аниқланади; 2 балл – караш милк эгати ва бўйин олди соҳада қўринади; 3 балл – караш тиш юзасининг катта қисми ва тишлар орасида жуда кўп. Тишнинг PLI индекси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$PLI = \frac{\text{Стўрт юза баллари}}{4}$$

Оғиз бўшлиғининг PLI индекси текширилган барча тишларнинг PLI индексидан ўртача катталик сифатида аниқланади.

Оғиз бўшлиғи гигиенасининг соддалаштирилган индекси OHI-S (Green J.C., Vermillion J.R., 1964) шу муаллифлар томонидан 1960-йилда таклиф қилинган Oral Hygiene Index индекси асосида яратилган, у учинчи молярлардан ташқари, барча доимий тишларнинг юз ва тил юзаларида сегментлар (квадрантлар) бўйича натижалар баҳолангандан ҳолда милк усти ва ости тиш карашларининг микдорий баҳосини кўзда тутган. OHI-S индекс олтита индикатор тишларнинг ҳолати бўйича оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш учун таклиф қилинган: юқори ва пастки жағнинг биринчи молярлари 16 ва 46, улар бўлмаганида иккинчи қўшни молярлар) ва икки марказий кесувчи тишлар (11 ва 31, улар бўлмаганида – бошқа томондан марказий кесувчи тишлар). Тишларнинг фақат бир юзаси текширилади: юқори жағ молярлари ва барча кесувчиларда – вестибуляр, пастки жағ молярларида – тил. Бунда келтирилган юзалар кариес ва гипоплазия билан шикастланмаган бўлиши лозим. Ҳар бир

юза зонд ёрдамида юмшоқ тиш караши ва тиш тоши мавжудлигига текширилади. Текшириладиган юзада (тил, юз) зонд тиш ўқига параллел жойлаштирилади ва зигзагсизон ҳаракатлар билан тишнинг окклюзия юзасидан бўйнигача бориб, зондда тиш карашлари тўпланадиган тош даражаси белгиланади. OHIS тош индекси караш индексининг суммаси сифатида ҳисобланади.

Караш индекси шкаласи (Debris Index, DI-S): 0 балл – караш ёки пигмент йўқ; 1 балл – юмшоқ караш тож баландлигининг 1/3 дан ортиқ бўлмаган қисмини эгаллайди ёки юзанинг исталган жойида кўринмайдиган юмшоқ карашсиз тишдан ташқари пигментланиш мавжуд (Пристли караши); 2 балл – юмшоқ караш тож баландлигининг 1/3 дан ортиқ, лекин 2/3 қисмидан кам юзасини қоплайди; 3 балл – юмшоқ караш тиш юзасида 2/3 дан ортиқ қисмни қоплайди.

Тиш тоши индексининг шкаласи (Calculus Index, CI-S): 0 балл – тош йўқ; 1 балл – текширилаётган юзанинг 1/3 дан ортиқ бўлмаган қисмини эгалловчи милк усти тоши; 2 балл – ўрганилаётган юзанинг 1/3 қисмидан ортиқ, лекин 2/3 қисмидан кам юзасини эгаллайдиган милк усти тоши ёки милк ости тошининг алоҳида фрагментлари; 3 балл – юзанинг 2/3 дан ортиқ қисмини қоплайдиган милк усти тоши ёки тиш бўйини ўраган милк ости тоши. Ҳар бир тишнинг DI-S ва CI-S маълумотлари ҳар бирди диагонали бўйича иккига ажратилган, олти катакка эга маҳсус жадвалга киритилади. OHIS ни ҳисоблаш учун барча тишларнинг DI-S ва CI-S индекси қўшилади:

$$OHI - S = \frac{\Sigma(DI - S) \pm \Sigma(CI - S)}{6}$$

OHI-S маълумотлари бўйича оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати қуидаги баҳоланади: OHI-S 0,6 дан ортиқ бўлмаганида – яхши гигиена; 0,7-1,6 бўлганида – қониқарли; 1,7-2,5 – қониқарсиз; >2,6 – ёмон гигиена.

Пародонт тўқималарининг ҳолатини баҳолаш учун бизнинг ишимизда Парма (1960) модификациясида умумий машҳур пародонтал индексдан (PMA) фойдаланилди. Милк ҳолати ҳар бир тишка Шиллер -Писарева аралашмаси билан бўялгандан сўнг баҳоланди. Олдиндан пахта болишлари ёрдамида тиши сўлакдан ажратиб, куритамиз. Милкнинг яллиғланган қисмлари гликоген билан жигар рангга бўялади, у тўқималарда анаэроб алмашинув жараёни устунлиги туфайли тўқималарда ҳосил бўлади. Тадқиқот ўтказилганидан сўнг баҳолаш мезонларидан фойдаланиб индексни ҳисоблаймиз. 0 балл – яллиғланиш йўқ; 1 балл – тишлараро сўрғичнинг яллиғланиши; 2 балл – маргинал милк яллиғланиши; 3 балл – алвеоляр милк яллиғланиши. PMA индекс қуидаги формула бўйича ҳисобланди:

ҳар бир тиш олдида кўрсаткичлар йиғиндиси $\times 100\%$

$$\text{ПМА(индекс)} = \frac{\text{_____}}{3 \times \text{тишларнинг сони}}$$

Индексни баҳолаш мезонлари қуидагилар: 30% дан кам – гингвивитнинг енгил шакли; 31-60% - ўрта оғирлик даражаси; 61% ва ундан юқори – оғир даражада.

Адабиётлар.

1. Qurbanova N.I., Hamroyeva D.Sh., Samadova Sh.I. The use adhesiweimplastir in the treatment of deep and sperfisial wounds of the skin// AJMIR. - 2019. – VoL 7 Issue 29. June. – P.166-178.
2. D. Sh. Hamroeva. Comparative analysis of the effectiveness of the treatment of parodontitis in patients with obesity// International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2020. № 24 – P. 469-472.

(IJPSAT) ISSN: 2509-0119.

3. D. Sh. Hamroeva Factors affecting the dental status of the population// Journal For Innovative Development in Pharmaceutical and Technical Science ISSN(O): 2581-6934. -Volume-4, Issue-3,Mart-2021. -P.38-42.
4. Д. Ш. Хамраева, Н.Н. Казакова Болаларда кариес профилактикасининг замонавий усуллари// Доктор ахборотномаси. Самарканд - 2021. - № 2. - Б. 104-108.
5. Даминова Ш.Б., Мирсалихова Ф.Л., Хамраева Д.Ш. Сравнение методов диагностики кариеса зубов у детей// Педиатрия. Ташкент - 2021. - № 3 - С. 269-272.
6. Мирсалихова Ф.Л., Хамроева Д.Ш. Современные исследования профилактики кариеса зубов у детей// Журнал стоматологии и крациофициальных исследований. Самарканд-2022. -С. 211-215.
7. D. Sh. Hamroeva Risk factors affecting the dental status of the children and ways to prevent them// E-Conference Globe. Italy-2021. -P.53-55
8. Sharipova G. I. Paediatric Lazer Dentistry // International Journal of Culture and Modernity ISSN: 2697-2131., Volume 12 (Jan 2022). -P. 33-379.
9. Sharipova G. I. Light and laser radiation in medicine // European journal of modern medicine and practice Vol. 2 No. 1 (2022) EJMMP ISSN: 2795-921X.-P. 31-36
10. NN.Kazakova. THE SPECIFICS OF THE DIAGNOSIS OF CHRONIC CATARRHAL GINGIVITIS IN PATIENTS WITH RHEUMATISM// Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation, 32(3). Web of science. 2021. – P. 22969-22978. ISSN 2651-4451/ e-ISSN 2651-446X
11. Sharipova Gulnihol Idiyevna. THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF MAGNETIC-INFRARED-LASER THERAPY IN TRAUMATIC INJURIES OF ORAL TISSUES IN PRESCHOOL CHILDREN//Academic leadership. ISSN 1533-7812 Vol:21Issue 1
12. Sharipova Gulnihol Idiyevna. DISCUSSION OF RESULTS OF PERSONAL STUDIES IN THE USE OF MIL THERAPY IN THE TREATMENT OF TRAUMA TO THE ORAL MUCOSA// European Journal of Molecular medicineVolume 2, No.2, March 2022 Published by ejournals PVT LTD DOI prefix: 10.52325Issued Bimonthly Requirements for the authors.
13. Sharipova Gulnihol Idievna. THE USE OF FLAVONOID BASED MEDICATIONS IN THE TREATMENT OF INFLAMMATORY DISEASES IN ORAL MUCUS// Asian journal of Pharmaceutical and biological research 2231-2218 SJIF 2022:4.465 Volume 11 Issue 1 JAN-APR 2022. P-98-101
14. Sharipova Gulnihol Idievna. THE EFFECT OF DENTAL TREATMENT-PROFILACTICS ON THE CONDITION OF ORAL CAVITY ORGANS IN CHILDREN WITH TRAUMATIC STOMATITIS // «Tibbiyotdayangikun» scientific - abstract, cultural and educational journal. - Bukhara, 2022. - №5 (43). - С.103-106.
15. Sharipova Gulnihol Idievna; Nuraliev Nekkadam Abdullaevich. GENERAL DESCRIPTION AND RESEARCH METHODS USED IN CHILDREN WITH TRAUMATIC STOMATITIS//European Journal of Research: volume 7 pp. 51-56 (Issue 1 2022).
16. Sharipova Gulnihol Idievna. CHANGES IN THE CONTENT OF TRACE ELEMENTS IN THE SALIVA OF PATIENTS IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH TRAUMATIC STOMATITIS WITH FLAVONOID-BASED DRUGS//Journal of research in health science: Volume 6 pp. 23-26 (issue. 1-2 2022).
17. Kazakova N.N. The Chronic Catarrhal Gingivitis Diagnosis Specifics in Patients with Rheumatism// JournalNX. -2020. - №11 (6). – P. 396-400

18. Kazakova N.N. Prevention of caries of the chewing surface molars in children with rheumatism// International Conference On Innovation Perspectives, Psychology And Social Studies. India. - 2020. – P. 185-188.
19. NN.Kazakova. THE SPECIFICS OF THE DIAGNOSIS OF CHRONIC CATARRHAL GINGIVITIS IN PATIENTS WITH RHEUMATISM// Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation, 32(3). Web of science. 2021. – P. 22969-22978. ISSN 2651-4451/ e-ISSN 2651-446X
20. Kazakova N.N. Dental status inpatients with inflammatory disease sof the joints// «Актуальные вызовы современной науки» XIVIII Международная научная конференция. Переяслав. - 2020. – С .57-58.